



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 23-iyun, payshanba,
72 (23.639)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Инсон
изтиробли,
дардли
онларидagina
бахт моҳиятини
тушуниб
етади

1913-yil aprel oyidan chiqqa boshlagan



www.zarnews.uz <https://www.facebook.com/zarnews.uz> [@zarnews_uz](https://twitter.com/zarnews_uz) https://twitter.com/zarnews_uz

ПРЕЗИДЕНТ АЙТДИ:

Отасининг қилмиши учун нега фарзандлари ёки ака учун ука жавоб бериши лозим? Бундай адолатсиз “тизим”дан энди бутунлай воз кечамиз. Шу боис Конституциямизга “Шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмас”, деб қатъий ёзиб қўйишимиз керак.

Оммавий сайёр қабул

Муаммога ечим излаб, Тошкентга бориш шарт эмас

Шу кунларда самарқандликлар марказий идоралар раҳбарлари билан учрашиш учун вақт ва маблағ сарфлаб, пойтахтга бориш шарт эмас. Чунки масъулларнинг ўзи бугун уларнинг олдига келмоқда.

Республика ишчи гуруҳи – 30 дан ортиқ вазирлик ва идоралар мутасаддилари Пайшанба шаҳарчасида, Каттақўрғон, Нарпай, Пахтачи туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳри аҳолиси учун сайёр қабул ўтказди.

Хусусан, Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Р.Маҳмудова бошчилигидаги қабулда жиноят ишлари бўйича 12 та, фуқаролик ишлари бўйича 14 та, иқтисодий ва оммавий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий ишлар бўйича 2 та муурожаат қабул қилинди.

Қабуллар доирасида жиноят ишлари бўйича шаҳар ва туман судлари ташкил қилган суд мажлисларида ички ишлар органлари пробация бўлими назоратида турган 37 нафар шахснинг иши кўриб чиқилиб, улардан бир гуруҳи жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, қолганларининг жазоси эса энгилроғи билан алмаштирилди.

Мулоқотлар давомида кредит ажратиш, йўллар таъмири, коммунал соҳага таалуқли кўплаб муурожаатлар ҳам хал қилиб берилди. Дейлик, каттақўрғонлик Сожида Эшбоевага гулчилик фаолиятини кенгайтириш учун кредит ажратиб берилган бўлса, пахтачилик Замира Давлатовага 146 миллион сўм ипотека кредити олишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Тадбирда “Худудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Тоҳиржон Турдиев фуқароларнинг газ таъминоти билан боғлиқ муурожаатларига қўлоқ тутди. Масалан, Кат-



тақўрғон тумани Муллақўрпа маҳалласида яшовчи Баҳриддин Санақуловнинг табиий газ тармоғига улашиш бўйича муурожаати ижобий хал қилинди. Ёдгорхўжа маҳалласида яшовчи Эшқувват Турсуновнинг табиий газдан қарздорлик масаласидаги муурожаати ўрганилиб, қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Оммавий қабулда суюлтирилган газ таъминоти масаласида ҳам кўплаб муурожаатлар кўриб чиқилди. Бундан ташқари, “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти томонидан аҳолига муқобил ёқилги билан ишловчи ускуналар тақдироти ҳам ташкил қилинди. Улардан бири мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган бўлиб, кўш энергияси билан ишлаши аҳамиятли. У бир кеча-кундуз давомида 200 литрдан 300 литргача сувни 80 градус ҳароратда иситиб бериш қувватига эга.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Жаҳонгир Обиджонов фуқаролардан тушган 30 муурожаатни кўриб чиқиб, уларнинг ечими бўйича тегишли мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Жумладан, Каттақўрғон тумани Жонкел маҳалласида истикомат қилувчи Муродилла Очиловнинг юқори кучли электр узатиш тармоғидаги симёғочларни алмаштириш бўйича

муурожаати жорий йилнинг якунига қадар бажарилиши белгиланди. Маҳалладаги маъжуд трансформатор пункти 10 кун ичида таъмирлаб бериладиган бўлди.

Жизмонсой қишлоғидаги симёғочлар жорий йилнинг 1 октябрга қадар алмаштирилиши, Бешкент қишлоғига жорий йилнинг якунига қадар қўшимча трансформатор ўрнатиш масалалари назоратга олинди.

Аввалги қабуллардаги муурожаатларидан сўнг фуқаролиги бўлмаган 25 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниб, уларга ID-карталар топширилди. Шундай қувончли кунни Раъно Азимова 30 йил, Дилафрўз Каримова 27 йил, Нодира Азимуродова эса 21 йилдан бери қуталётган эди. Бугун уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқди.

Уч фарзандини ёлғиз ўзи улғайтираётган нарпайлик Ойгул Имомова аввалги қабулларда уй-жойини таъмирлашда амалий ёрдам сўраган эди. Туман 2-сектори кўмағида, ички имкониятлар ҳисобидан аёлга 3 хонали уй қуриб берилди. Бугунги қабулга миннатдорлик билдириш учун келган Ойгул Имомовага ўзини ўзи банд қилиши учун тикув машинаси ҳам олиб бериладиган бўлди.

Ёшлар ойлиги



ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРАЁТГАН ФЕСТИВАЛЬ

“Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остидаги фестивалнинг навбатдаги манзиллари Қўшработ, Булунғур, Иштихон туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳри бўлди.

Қўшработ туманидаги фестивални бошлаб берган “Соғлом ҳаёт учун беш минг қадам” юриш марафонида иштирокчилар туман марказидаги Мустақиллик кўчаси бўйлаб 2,5 километр масофани пиёда босиб ўтди. Унда иштирок этган ёшлардан қолишмасдан ҳаракатланган Қўшоғоч қишлоғида яшовчи 80 ёшли Суюн бобо Раббимов кўпчилиكنинг эътиборини тортиди.

– Ҳар куни эрта туриб, 2-3 километр

югураман, – дейди отахон. – Қаридим, деб томорқада кетмон билан ишлашни ҳам ташлаб қўйганим йўқ. Мақтан-нишга йўмангун, турник тортилиш, ўтириб-туриш, узок масофага югуриш каби жисмоний машқларни бажаришда айрим ёшлардан қолишмайман. Шунинг учун бугунги ёшлар фестивалига келдим.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Очиқ, аммо аччиқ гап

“СИЗГА МАЪЛУМОТ БЕРГАНИМ УЧУН РАҲМАТМИ БУ?”

Давлат ташкилоти вакили ОАВга маълумотни хоҳласа беради, бўлмаса йўқми?

Илгари журналистик фаолиятимизда бундай ҳолатга кўп тушардик. Аста-секин давлат идораларининг матбуотга, умуман, халққа маълумот етказиш борасидаги фикри сал бўлса ҳам ўзгара бошлади. Ўзининг фикри, дунёқарашига эга масъуллар фаолияти юзасидан маълумот бериши унинг мажбурияти эканини тушуна бошлади.

Бу нафақат ОАВ олдида, шу орқали халқ олдидаги мажбуриятдир. Халқ тўлаган солиқлардан ойлик олдингми, халқнинг солиқларини турли лойиҳаларга ишлатяпсанми, унга ҳисобот беришга бурчлисан.

Ана шу оддийгина ҳақиқатга фаҳми етмаган, халққа керак маълумотни “босиб ётишга” одатланган масъуллар ҳали ҳам бор. Вазирлар, хокимлар ОАВ олдида ҳисобот бераётган ҳозирги даврга келиб, бу юқоридаги “амалдор”лар ёки айрим бошқарма вакиллари унинг ташкилотини танқид қилган журналистга “Сизга маълумот берганим учун раҳматми бу?” қабилидаги миннатини қилиб турибди. Очиқлик тўғрисидаги кўплаб ҳужжатлар маънисини улар тушунмаса ҳам керак. Қизиғи, “мен маъ-

лумот беришга мажбурмасман”, деган тушунчадагилар ҳам бор. Кечирасиз, ҳеч нарсани яширишга ҳақингиз йўқ, аслида!

Худди шундай тоифадаги бир шахс кеча кўнғироқ қилди.

– Фалончаев сизларда ишлайдими? Қаердан келиб қолган? Қанақа одам? Раҳмати шуми бизга?...

Эртаси куни “Фалончаев”нинг хонасига кириб, вазиятни тўлиқроқ билдим. Хуллас, таҳририятимиздаги ёш мухбирлардан бири бу йигит. Маълум бўлдики, у бошқарма вакилидан беш кун маълумот сўраб чарчаган. Охириги кун олган маълумотидан ҳам кўнгли тўлмаган ва ўзи жойларга чиқиб, ҳақиқий ҳолат билан танишиб чиққан. Бор ҳолатни ёзган. Бор ҳолат эса бошқарма масъулига ёқмаган. Ёш мухбирга боғланиб, юқоридаги гапни айтган...

Ўша бошқарма бошлигининг яна бир гапи унинг савиясига ачинашимга сабаб бўлди: “Мен маълумот беришга мажбурмасман”. Хуллас, афтидан хали кўплаб ташкилот, идоралар вакиллари ОАВ ва халқ олдида ҳисобдор эканини ҳис қилган эмас. Қўлолмаса ҳам керак бу димоғ билан. Уларни ё ўқитиш керак ёки...

Анвар МУСТАФОҚУЛОВ.

УЛКАН ХИРМОН – ТЎКИН ДАСТУРХОН

Жорий йил ҳосили учун Тойлоқ туманида 4375 гектар майдонда ғалла парваришланди. Айни пайтда далаларда йил давомидаги меҳнат маҳсули сифатида етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш ишлари қизгин давом этмоқда. Бунинг учун юқори унумли комбайн ва бошқа автотранспорт, ташиш воситаларидан фойдаланилмоқда. Тойлоқлик фермерлар бу йил 34 минг тонналик улкан ғалла хирмони яратишни мақсад қилган.

Жумладан, “Бахшитапа” агрофирмаси худудидagi фермер хўжаликлари томонидан жорий йилда 463 гектар майдонда ғалла етиштирилди. Шартнома бўйича 1379 тонна ғалла давлатга сотилади. Қолганини эса эндиликда фермерларнинг ўзи мустақил тасарруф этиши мумкин.

– Бу йил ғаллакорларимизнинг кайфияти, ғайрат-шижоати ўзгача, – дейди “Бахшитапа” агрофирмаси раҳбари Қо-билжон Арабов. – Ғалла харид нархининг бозор талабидан келиб чиқиб белгиланиши ва аввалги йилларга нисбатан икки баробар ўсгани, шартномадан ортиқча ғаллани фермер биржа савдоларида эркин сотиш ҳуқуқига эга бўлгани фермерларни хурсанд қилди. Ҳар бир инсон манфаат кўриш учун меҳнат қилади, кўпроқ даромад олишни истайди. Шу жиҳатдан, энди фермерларимиз қанча кўп меҳнат қилса, ердан омиликорлик билан фойдаланса,

бундан аввало, ўзи манфаатдор бўлишини яхши билади. Ҳозиргача 26 гектар майдондаги ғалла ўрилди. Ҳосилдорлик яхши, гектаридан ўртача 55-60 центнердан дон олинмоқда. Шартнома бўйича давлатга ғалла сотиш режими 1379 тонна. Бу борада муаммо бўлиши мумкин эмас, барча фермер хўжаликлариде режадагидан икки баробар кўп ҳосил етиштирилган – 2800 тонна дон олишни мўлжаллаб турибмиз. Дон қанча кўп бўлса, дастурхондаги нонимиз ҳам шунча мўл, арзон бўлади.

Худуддаги “Бобур агро жазон” фермер хўжалигида жорий йил 16 гектар майдонда ғалла етиштирилди. 1997 йилдан бери фаолият юритиб келаётган хўжаликда бу йил ҳосил чўғи баланд. Муҳиддин Очилов раҳбарлик қилаётган хўжаликнинг ғалла майдонларидан 70 центнердан ҳосил олинмоқда.

– Умумий ер майдонимиз 19,8 гектар, асосан ғалла етиштиришга, – дейди Муҳиддин Очилов. – Қолганига сабзавот экинлари экамиз. Оила аъзоларимиздан ташқари 8 нафар ишчимиз бор. Худода шукр, меҳнатимизга яраша даромад қиялпмиз. Тўғриси, ғалла хариди учун бозор механизмига ўтилгани ғайратимизни оширди. Ғалладан бўшаган майдонларда иккинчи экин экамиз. Икки гектар ерни худуддаги кам таъминланган оилалар, иш-си ёшларга ажратганмиз. Улар ҳам ушбу

ерда экин экиб, даромад қилади. Қолган қисмида ўзимиз сабзавот маҳсулотлари етиштиришни мақсад қилганмиз. Ишлаган, меҳнат қилган роҳатини ҳам кўради. Ҳар йили 250-300 миллион сўмгача даромад қилаётгандик. Бу йил дон сотиш борасидаги ўзгаришлар туфайли даромадимиз янада ошди.

Айни пайтда Тойлоқ туманида 12300 гектарга яқин майдондан қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Жумладан, 8300 гектар очиқ майдонда ғалла, сабзавот ва полиз экинлари етиштирилса, 2618 гектар тоқзор, 881 гектар боғ, 465 гектар туздор ва 35 гектар лалми ердан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Бу майдонларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари юртимизнинг турли худудларига, шунингдек, хорижга сотилмоқда. Ўз навбатида туманда бу маҳсулотларни қайта ишлаб, қадоқлаб, экспортга чиқараётган корхоналар, тадбиркорлар ҳам кўпайиб бормоқда.

Ғ.ҲАСАНОВ,
А.ИСРОИЛОВ (сурат).

Ғалла – 2022



НАРПАЙЛИК ҒАЛЛАКОРЛАРНИНГ ЮЗИ ЁРУҒ БЎЛДИ

Нарпай тумани ғаллакорлари Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб давлат хариди учун 9508 тонна, биржа савдолари учун эса 2755 тонналик улкан хирмон яратиш, шартнома шартларини бажарди.

Аслида, бугун мамлакатимизда ғаллачиликда амалга оширилган ислохотлар натижасида фермер ёки кластерлар эгаларидан шартнома мажбуриятини сўрашга ҳожат қолмаган. Меҳнатидан манфаатдорлиги ошган ғаллакор аввало, шартнома шартларини бажариб, ғалланинг қолган қисмини оморда жамғариб қўйишга ҳаракат қилмоқда.

Нарпайлик ғаллакорлар ҳам бу йилги мавсумга ана шундай кайфиятда ҳозирлик кўриб, ўн тўрт иш кунини шартнома мажбуриятларини адо этди.

Тумандаги 242 фермер хўжалиги 5720 гектар майдонда ғалла парваришлаб, ҳар гектар ердан ўртача 72 центнердан ҳосил олди. Жумладан, “Оқтош Фаррух Абров” фермер хўжалиги аъзолари 25 гектар майдонда ғалла парваришлаб, 67,1 тонна ўрнига 144,8 тонна сара дон йиғиштириб олди.

Айни пайтда ўрим мавсуми давом этмоқда. Ҳали комбайн тушмаган далаларимиз бисёр.

Вилоятимизда маҳаллабай ишлашда ҳоким ёрдамчиларнинг фаолияти, жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида пресс-тур ташкил этилди.

Унда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги қошидаги маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги мутахассислари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Жорий йилнинг апрель ойида агентлик ташкил этилиб, маҳаллабай ишлашда бутунлай янги тизим жорий этилди, - дейди вилоят маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси раҳбари Бахтиёр Рофеев. - Ҳозирда 1126 нафар ҳоким ёрдамчилари фаолияти бошқарма, шаҳар ва туманлардаги марказларимиз орқали мувофиқлаштирилди. Бугунга келиб, ёрдамчилар бошлаган тадбирлар ўз самарасини бера бошлади. Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўналишларида маҳаллада ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан бандлиги таъминланган, кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган фуқаролар даромад манбаларига эга бўлди.

Тадбир иштирокчилари жойларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида мутасаддилар ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий маҳалласида жойлашган хотин-қизларни касб-хунарга ўргатишга мўлжалланган "Биби-хоним" ўқув марказида бўлди.

Марказимизда қизларга хунар ўргатамиз, оилага оширилаймиз, - дейди марказ раҳбари Дилфуза Гаффорова. - Курсларимиз пуллик, албатта. Аммо кам таъминланган, ижтимоий дафтарларда турувчи хотин-қизларга бепул касб ўргатиш баробарида уларнинг ҳудудлардаги корхоналарда иш бошлашига кўмак берамиз.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ИШИ САМАРА БЕРЯПТИ



Самарқанд туманидаги Деҳнав маҳалласида бугун 300 дан ортиқ хонадонда иссиқхона ташкил қилиниб, аҳоли даромад оляпти. Энди бу ишлар янада жонланиши кутиляпти. Сабаби, фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлма-да, маҳаллада иш бошлаган ҳоким ёрдамчиси 3 та хонадонда иссиқхона ташкил этилишига бош-қош бўлди.

5 сотих жойда иссиқхона куриб, лимон кўчатлари экидик, - дейди Дилбар Бўронова. - Кўчатлар ҳосилга киргунча ораларига кўкат, помидор ва картошка экиб, бозорга чиқаряпмиз. Бу йил лимон кўчатлари ҳам ҳосилга кирди. Ҳозир иккинчи ҳосил этиляпти. Мўҳими, иссиқхонадан йил давомида даромад оламиз.

Тумандаги Жўйи Аббос маҳалласининг драйвери кўчатчилик экан. Маҳаллада 3 гектар майдонда боғлар ташкил қилинган. - Бу ерда 15 киши коопера-

ция асосида ишлайди, - дейди маҳаллада фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчиси Фарҳод Ибрагимов. - Энг аввало, ҳудуддаги етакчи тадбиркорларни танлаб олдик. Ишлаш ва даромад олиш истагида бўлган фуқаролар улар атрофида бирлашди. Кооперация асосида бугунги кунда қарийб 50 киши иш билан таъминланди. Бундан ташқари, уч гектар ер аўқционга чиқарилиб, "Ёшлар дафтари"да рўйхатда турувчи 20 нафар ёшга ажратилди.

Ишлаш истагида бўлган маҳалладошларимизга имкониятимиздан келиб чиқиб, ёрдам беряпмиз, - дейди "Бобур агроинвест" фермер ҳўжалиги раҳбари Бобур Ҳайдаров. - Ҳоким ёрдамчисининг тавсияси билан 20 нафар ёшга ер ажратдик. Бундан ташқари, кўчатларни парвариш-лаш, бегона ўтлардан тозалаш ишларида мавсумий ишчилар ҳам ишлайди.



Ургут тумани аҳолиси тадбиркорлик билан танилган. Тумандаги Деҳқонobod маҳалласида жойлашган маиший хизматлар соҳасида фаолият олиб борувчи "Ўғил ойи" масъулияти чекланган жамияти бугун маҳалла ёшларининг таълим олишига ҳам ўз хиссасини қўшяпти.

Худуд эҳтиёжини ҳисобга олиб, 160 ўринли давлат-хусусий шерикчилиги асосида мактабгача таълим ташкилотини ташкил этдик, - дейди Жамшид Муродов. - Муассасада таълим чет тилларига ихтисослаштирилган. Бу ерда 30 нафарга яқин маҳалладошларимиз иш билан банд.

Этиборлиси, ушбу таълим муассасаси нанотехнологиялар ёрдамида чорва молларидан оли-наётган биогаз билан иситилади. Ушбу янги технология туманининг бошқа тадбиркорларида ҳам ки-зиқиш уйғотган.

Тадбиркорлик - маҳалла аҳолиси энг кўп банд бўлган жабҳа, - дейди ҳоким ёрдамчиси Аъзам Имомназаров. - 3 та етакчи тадбиркорга хонадонларни бириктирганмиз. 30 га яқин хонадон парранда боқяпти, 55 та хонадонда иссиқхона мавжуд бў-либ, уларга кўчат, уруғ етказиб беришда кўмаклашяпмиз.

Янгиобод маҳалласида каса-начилик фаолиятини йўлга қўй-ган Меҳригул Бурхонова ҳам 70 дан ортиқ ҳамқишлоқнинг даро-мад топишида кўмакчи бўляпти. М.Бурхонова ташкил қилган "Меҳригул текстиль" МЧЖда 20 та доимий иш ўрни бор. Яна 50 та хонадонда касаначилик асосида

чопондўзлик йўлга қўйилган. - Чопондўзликни онамдан ўр-ганганман, - дейди Меҳригул опа. - Аввал қўл меҳнати кўпроқ эди. Январ ойида ҳоким ёрдамчиси Сойиб Давронов кўмаги билан Халқ банкидан 220 миллион сўм кредит олиб, Хитойдан дастгоҳ олиб келдик. Энди ишимизнинг унуми ошган. Кунига 500 тагача чопон тикяпмиз.

Туманининг Совгон маҳалла-си ҳоким ёрдамчиси шу кунгача тизимли равишда "Ҳар бир оила тадбиркор" дастури асосида аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида турли йўналишларда 483 миллион сўм кредит олишда кўмаклашди. Қолаверса, ҳудуд-да 68 нафар фуқарога аукцион орқали 27 гектар ер ижара асосида берилди. Йил бошида даромад манбаига эга бўлмаган 232 нафар кишининг 210 таси иш билан таъминланди.

Қарамогимизда 2 нафар ноғирон фарзандимиз бор, - дей-ди Василя Элмуродова. - Ҳоким ёрдамчиси оилавий шароитимни ўрганиб, ижара асосида аукцион орқали 10 йилга 40 сотих жой ажратиб берди. Унга картошка экидик. Энди ишлайдиган, даро-мад қиладиган еримиз бор.

"Ургут нур макон" оилавий корхонаси раҳбари Шаҳзода Акрамова маҳаллада ижтимоий дафтарларда турган 10 та хона-дон билан касаначилик асосида ишлайди.

Пресс-тур вилоятимизнинг бошқа туман ва шаҳарларида давом этди.

Сулаймон МАРДИЕВ.

Конституцияга таклиф

Вазирларга ҳам ишончсизлик вотуми билдирилиши керак

Жамият ҳаётида салмоқли ўзгаришлар юз берган, давлат ўз тараққиётида янги сифат босқичига кўтарилган бир даврда конституци-яни тақомиллаштиришга эҳтиёж юзага кели-ши тарихдан маълум. Ўзбекистон ҳам ўз та-раққиётининг ҳозирги босқичда халқимизнинг бугуни ва эртасини белгилаб берувчи ислохот-ларга қўл урмоқда. Шундай пайтда янги ҳаётий мақсадларни ўзида акс эттирган янгиланган Конституцияни қабул қилиш муҳим масала да-ражасига кўтарилди.

НИКОҲ ҲАҚИДАГИ МОДДА ЎЗГАРИШИ КЕРАК

Конституцияимизнинг 63-моддасида "Никоҳ томон-ларнинг ихтиёрий розили-ги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади", дейилган. Ушбу моддани "Никоҳ эркак ва аёлнинг ихтиёрий розили-ги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади", деб ўзгарти-риши таклиф этилди. Ушбу моддага ўзгартириш кирити-лиши натижасида юртимизда оила фақатгина аҳолининг миллий кадриятлари, дини, эътиқоди ва миллий ҳамда тарихий маданиятидан кели-б чиққан ҳолда шакллани-ши эътироф этилган ҳолда, бугунги кунда бутун дунёда, шу қатори Ўзбекистон Республикасида ҳам оила қуриш борасида юзага кела-ётган фикрлар хилма-хилли-гига (фарбча плюрализмга) барҳам берилди.

ҲОКИМЛАР САЙЛОВ ОРҚАЛИ САЙЛАНСА

Конституцияимизнинг 102-моддасини қуйидаги тартиб билан ўзгартири-ши вақт тақозо этмоқда. Яъни, "Вакилик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилиги-га қараб, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқара-ди. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайла-нади. Ҳокимларни сайлаш тартиби Ўзбекистон Респу-бликасининг қонуни билан белгиланади".

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайлани-ши кўплаб ривожланган дав-латларда амалда ҳамда бу жараён демократик жамият қуришининг асосий мезонла-ридан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, маз-кур ўзгартириш билан халқ ҳокимиятичилиги тамойили ўзининг асл ифодасини топади.

ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ ЧЕКЛАНДИ?

Конституцияимизнинг 62-моддасида "Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидаги-на амалга оширилади", деб белгиланган. Ушбу модда "Жамоат бирлашмалари-ни тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш унинг юқори органи қарорига биноан ёки суд қарори асосида-гина амалга оширилади",

Отабек ТОШНИЁЗОВ, вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, вилоят юридик техникуми директори.

ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРАЁТГАН ФЕСТИВАЛЬ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Туман марказидаги 82-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ҳовлисида маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди. Мушоира ва китобхонлик кечасида вилоятдаги танлиқ ижодкорлар, кўшарботлик адабиёт ихлосмандлари иштирок этди. "Заковат" интеллектуал ўйинида тўрт жамоа ўзаро баҳслашди. Жамоаларга туман-даги тўрт сектор бошлиқлари раҳбарлик қилди. Якунга кўра, учинчи сектор жамоаси голибликни қўлга киритди.

Шунингдек, фестиваль доирасида "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" ҳам ташкил этилди. Унда 97 та корхона ва ташкилот 260 та бўш ва квота иш ўринлари билан қатнашди. Шу ернинг ўзида 47 нафар ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди.

Булунғур туманида ҳам фестиваль доирасида спорт ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Ижтимоий дафтарларда рўйхатда турган ёрдамга муҳтож ёшларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, "Ёшлар дафтари"га киритилган 11 нафар ишсиз ёшнинг ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашиш мақсадида пайвандлаш, электр жиҳозлари таъмирлаш ҳамда сартарошлик хунари билан шуғулланишлари учун уларга ускуналар тарқатилди. Сафарбарлик чакруви резервидаги харбий хизматни ўташ учун тўловни амалга оширишга қийналаётган оила фарзандларига моддий ёрдам сифатида тўлов сертификатлари топширилди.

Шунингдек, фестиваль доирасидаги тадбир-ларда "Туман ҳокими стипендияси" учун ўткази-лаётган танлов голиби бўлган 13 нафар ёшга 1 миллион сўмдан пул мукофотлари топширилди.

Иштихон туманида ташкил этилган фестиваль доирасидаги юриш марафонидан 5 минг нафар-дан ортиқ аҳоли иштирок этди. Марафондан сўнг турли спорт мусобақалари, кўргазмали чиқишлар намойиш этилди.

Тадбирларда республика ва халқаро чемпио-натларда голиб бўлган иштихонлик йигит-қизлар қатнашди.

Бир қатор хайрли мақсадларни кўзлаган фе-стиваль ёшларнинг спортга қизиқишларини оши-ришга ҳам хизмат қилляпти, - дейди армрестлинг бўйича Осиё чемпиони, жаҳон чемпиони кумуш медали соҳибаси Шоҳсанам Улуғмуродова. - Бу фестивалда мен учун кутилмаган ҳолат юз бер-ди. Туманимиз ҳокими мен билан куч синашди. У кишининг ҳам спорт билан мунтазам шуғулланиб туришига амин бўлдим. Ҳоким мен каби иштихон-лик спортчи қизлар билан фахрланишини айтди. Албатта, бу ишонч менга янада куч бағишлади.

Каттакўрғон шаҳрида ҳам ёшлар фестивали кўтаринки кайфиятда ўтди. Фестиваль доирасида шаҳарнинг Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида турли спорт мусобақалари, харбийларнинг кўргазмали чиқишлари, маданий-маърифий тад-бирлар ташкил этилди.

Этиборлиси, боғда шаҳарнинг тўрт сектори ҳудудидан 4 нафар ёш "Ош чемпионати" танлови-да қатнашди.

Дўстона ўтказилган танловда биринчиликни қўлга киритдим, - дейди 2-сектор вакили Шаҳри-зода Зоирова. - Шаҳримизда ўтказилаётган ёшлар фестивали барчамизга байрамона кайфият бағиш-ляпти. Каттакўрғон ёшлари турли танловларда ўз маҳоратларини синовдан ўтказяпти. Мен ҳам ошпазликда ўзимни синаб қуриб, голиб бўлганли-гимдан хурсандман!

Туманларда ўтказилган фестивалларга га-ла-концерт, вилоятдаги истеъдодли санъаткор-ларнинг куй-кўшиқлари, пойтахтдан келган сўз усталари, танлиқ хонандалар ва эстрада гуруҳла-рининг чиқишлари яқун ясади.

Тўлқин СИДДИҚОВ, Фазлиддин РЎЗИБОВ, Бахтиёр МУСТАНОВ (сурат).

Сўраган эдингиз



Мен икки нафар боламга болалар нафақаси олар эдим, кейинчалик болалар нафақаси тўхтаб қўйилди. Менга техник сабаб билан нафақа ортиқча тўланган ва тўлов қарз-дорлиги ёзиб қўйилган экан. Эшитишимча, қарздорликдан давлат воз кечганмиш, шу масалада аниқ маълумот бери-шингизни сўрайман.

Гулпошо АБДУАВАЗОВА, Қўшрабат тумани.

Ортиқча тўланган нафақа пулидан давлат воз кечди

2022 йилнинг 29 апрелида Ўз-бекистон Республикаси Президен-тининг "Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фар-мони қабул қилинди.

Фармоннинг 4-бандида ижти-моий ҳимояга муҳтож оилаларни қўшимча қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли оғирлашининг олдини олиш мақсадида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимини орқали 2022 йил 1 апрелга қадар нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш учун маълумотларнинг хато тақдим этилиши, киритилиши ва техник сабаблар туфайли фуқароларга ор-тиқча тўланган суммалар ҳисобдан чиқарилсин, деб кўрсатиб ўтилган.



Шундан келиб чиқиб, фуқаро Гулпошо Абдувазозовага ортиқча тўланган деб ҳисобланган на-фақалар ҳисобдан чиқарилди, яъни фуқаронинг қарзларидан воз кечилган.

Саволга Пенсия жамғармаси Қўшрабат тумани бўлими мутахассиси Ақром ҚАРШИБОВ жавоб берди.

Пишиқчилик

Самарқанд туманидаги "Аъзам Аза-мат Агро" фермер ҳўжалигига қарашли 36,8 гектар боғда фарқ пишган меваларни йиғиш-териш ишлари авжида.

Ҳўжалигимизда 35 нафар доимий ҳамда 40 дан ортиқ мавсумий ишчи меҳнат қилмоқда, - дейди иш бошқарувчи Гул-шан Ҳамроқулов. - Далаларда айни иш кизгин пайт. Бир томонда сабзи, картошка йиғиштираётган бўлсак, бир томонда шаф-толи, ўрик териб олинапти. Бугунги кун-гача 584 минг долларлик мева-сабзавотни хорижга экспорт қилдик.

Бахтиёр МУСТАНОВ олган суратлар.



Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "Иқтисодийётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-168-сон қарорига мувофиқ, давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш турган кўчмас мулк объектлари ҳамда улушлари "E-auction" электрон савдо платформаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Table with 9 columns: T/p, Object name, Balance description, Location, Auction date, Auction location, Bid amount, Sale date, and Auction deadline.

Аукционда қатнашиш тартиби тўғрисида: Ушбу объектларни "E-IJRO AUCTION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auction.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин "e-auction.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

зога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auction.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтда кўрсатилган муддатда тўхтатилади.

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошлангандан кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auction.uz" сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"га кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менин аукционларим" бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш кунини соат 9:00 да бошланади).

Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошлангич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни

тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион голиби, деб топилади. Шундан сўнг иштирокчиға голиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича голиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан

кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг голиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш учун манзил: Самарқанд шаҳри Камол

Отатурк кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими.

Маълумот учун телефонлар: 66-233-73-54, 91-537-32-12 Факс: 66-233-73-54

"Facebook" даги расмий саҳифа: Sam Dav Aktiv

Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент давлат иқтисодийёт университети Самарқанд филиали 2022-2023 ўқув йили учун бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича қуйидаги йўналишларга ўқишга таклиф этади:

Table with 9 columns: T/p, Shiffr, Taъlim йўналишлари, Жами, Давлат гранти (Жами, Шу жумладан), Тўлов-контракт (Жами, Шу жумладан).

Тошкент давлат иқтисодийёт университети Самарқанд филиали 2022-2023 ўқув йили учун магистратурага қуйидаги йўналишларга ўқишга таклиф этади:

Table with 9 columns: T/p, Shiffr, Taъlim йўналишлари, Жами, Давлат гранти (Жами, Шу жумладан), Тўлов-контракт (Жами, Шу жумладан).

Тошкент давлат иқтисодийёт университети Самарқанд филиали 2022-2023 ўқув йили учун бакалавриятнинг сиртқи таълим шакли бўйича қуйидаги йўналишларга ўқишга таклиф этади:

Table with 9 columns: T/p, Shiffr, Taъlim йўналишлари, Жами, Тўлов-контракт (Жами, Шу жумладан).

Абитуриентларни рўйхатга олиш Давлат тест марказининг my.dtm.uz сайти ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали онлайн амалга оширилади.

Рўйхатга олиш 20 июлга қадар (20 июль куни ҳам) давом этади ва абитуриентлар 20 июлга қадар ўз маълумотларини ўзгартиришлари ҳамда чет тилидан миллий ёки халқаро сертификатга эга бўладиган бўлса, сертификат маълумотларини киритишлари мумкин бўлади.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри Профессорлар кўчаси, 51-уй.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Ургут туманидаги "GM PLASTIC" масъулияти чекланган жамияти (СТИП: 306088510) ўз устав фондини 4 714 953 431 (тўрт миллиард етти юз ўн тўрт миллион тўққиз юз эллик уч минг тўрт юз ўттиз бир) сўмдан 3 452 173 431 (уч миллиард тўрт юз эллик икки миллион бир юз еттиш уч минг тўрт юз ўттиз бир) сўмга камайтирмоқда. Шу муносабат билан унга билдирилаётган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Ургут тумани Сариктепа массиви, "Ургут" эркин иқтисодий зонаси ҳудуди.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Шарипов Баротга (1998 йил 7 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улўбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Вишневецкая Любов Владимировнага (2017 йил 19 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасида марҳум Мамарамимова Махпиратга (2013 йил 13 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирбеги кўчаси, 5/1-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Санакүлов Мариф Нуруллаевичга (2021 йил 9 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челах шаҳарчаси, Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Рахматов Шахноза Хамроқулновнага (2020 йил 20 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челах шаҳарчаси Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Аминов Машхуржон Юсуфович нотариал идорасида марҳум Умурзаков Салимга (2020 йил 27 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аминов Машхуржон Юсуфович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Сугдийна маскани, 14/12-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Нарзиёв Юсуфга (2021 йил 23 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челах шаҳарчаси, Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Рахматов Шодмон Ахтаматовичга (2018 йил 15 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ Булунгур агросаноат ва сервис касб-хунара коллежидан 2019 йилда Шарофидинов Шохзодбек Исмомиддин ўғли номига берилган К № 5554351 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жомбой туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Расулбердиева Ирода Пахлавон қизи номига берилган UM № 0498590 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд автомобиль ва йўллар коллежидан 2020 йилда Каримов Отабек Махматқул ўғли номига берилган рўйхат рақами 007, К № 5894518 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 24-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Азимов Муҳаммад Немат ўғли номига берилган UM № 0533379 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут тадбиркорлик касб-хунара коллежидан 2017 йилда Фаизиллоев Иброҳимжон Шухрат ўғли номига берилган рўйхат рақами 997, К № 4716170 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Аблазов Санъат Акмирзаевич номига берилган O' R-SH № 0967504 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Амирова Мадина Латиповна номига берилган O' R-SH № 0832683 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунгур туманидаги 46-ўрта мактабдан 1994 йилда Умарова Дилфуза Саитмуротовна номига берилган А № 500092 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ кишлоқ хўжалик касб-хунара коллежидан 2018 йилда Туйбеков Илхом Фаизуллоевич номига берилган рўйхат рақами 17, К № 5118424 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 6-ўрта мактабдан 1994 йилда Камолова Нилуфар Нурматовна номига берилган А № 261385 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 6-мактабдан 1999 йилда Рустамова Зебинисо Абдулбаёновна номига берилган O'R-SH № 180432 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жомбой маийш хизмат касб-хунара коллежидан 2014 йилда Умиркулов Азимжон Болиқул ўғли номига берилган рўйхат рақами 227, К № 3228565 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 36-мактабдан 1978 йилда Асланов Суннат Туробович номига берилган В № 859927 рақамли санжиз йиллик маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ХАҚИҚИЙ ҲИСОБЛАНМАЙДИ! "Зарафшон" газетасининг 2022 йил 21 июнь 71-сон 3-саҳифасида "БЕКОР ҚИЛИНАДИ" сарлавҳаси остида Ургут туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Амирова Шахноза Латип қизи номига берилган O' R-SH № 1058750 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилиниши ҳақида эълон чоп этилганди. Ушбу шаҳодатнома топилганлиги сабабли мазкур эълон ҳақиқий ҳисобланмайди.

ТОПАНГА МУКОФОТ! Фуқаро Нодиров Равшан Абдилмоминовичнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси ва давлат рақами 30 U 347 VA бўлган "Ravon R4" русумли автомобилнинг техник паспорти Пайриқ тумани ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатларни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: +998993-227-51-87.



Мен кўпчилик биладиган Жом кишлоғида туғилиб, ўсганман. Кўпроқ умрим ўқиб ва иш билан Самарқанд Тошкентда ўтганлиги учун кишлоқдошларим билан у ёки бу тадбирга келгандагина суҳбатлашганман.

Тўғриги, баъзан ҳавонинг ноқулай пайтларида бу ерларга келиб-кетилишнинг ўзи муаммо: йўллари ёмонлиги етмаганидек, на дўрустроқ дўкон, емакхона, сарта-рошхона бор эди. Шукрим, Жом кишлоғи маркази давлатимиз раҳбарининг бевосита эътибори билан бугун гўзал гўшага айланди.

Аммо Жом учта маҳалладан иборат. Омондара Қашқадарё вилоятига чегара жойда жойлашган. Бу маҳаллага боришда доимо қийна-ламиз. Чунки, мустақиллик даврида ҳам йўллар асфальт кўрмаган. Айниқса, олис Тошкентдан Жом марказига осон келарди, қолган уч километр масофани азоб билан босиб ўтардик.

Яқинда кишлоққа йўлим тушди. Очиғи, йўлларга шағал тўкилганини, ҳатто асфальт ётқизиладигани кўриб, кўзларимга ишонмадим: наҳотки, бизнинг азалий тупроқ ва тош кўчалар шундай обод бўлди. Ҳа, энди, бирортаси шикоят қилган бўлса, йўлнинг озроқ қисмини обод қилишгандир-да, деб ўйладим. Чунки илгари ҳам бунақа амалиётлар йўқ эмас эди. Лекин юрган сарим ҳайратим ошаверди. Асфальт йўл сой кўпригигача, ҳатто сал телароқда жойлашган Чўнқаймиш кишлоғигача борибди.

Одамлар билан суҳбатлашар эканман, улардаги хурсандчиликдан қайфиятим кўтарилди.

Меҳнат фахрийси Эштурди Раҳимовнинг айтишича, сўнгги бир ярим ой ичида вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов кишлоққа икки марта келган. Йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ечиш учун мутахассислар билан муҳока-малар ўтказган. Натижада биргина Омондара маҳалласида 673 та хо-надонлар бўлиб, 4 215 нафар аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, улар-нинг аксариятига хонаки товуклар тарқатилган, инкубаторлар келти-рилган. Мухими, аҳоли етиштирган

Бундай лаззатни подшоҳларнинг болалари ҳам туймаган

Қимматбахор нарсангни ҳеч ким топа олмайдиган жойга беркитмоқчи бўлсанг, китоблар орасига солиб қўй. Чунки бугунги одамлар китоб очмай-диган бўлиб кетди.

Улғуларимиздан бири айтган бу гап юзи-мизга тўтилган кўзгү. Ижтимоий тармоқларда қанчалик фаолмиз? Бугун илм ва хабардор-лик мезонини шу билан ўлчаймиз. Оқибатда тафаккур қувватимиз заифлашди. Бир пайтлар фикрлаш доираси кенг, маърифатли инсонлар жамиятнинг чинакам бойликлари эди. Юр-тимиздан донги дунёга танилган олимлар ва мутафаккирларнинг кўп чиққани бежиз эмас. Ҳаётда рўй бериб турадиган айрим нохуш-

Бугун отаси тенги инсонни дўппосласа, эртага...

Мақтаб ўқувчисининг устозига гап қайтариши, ҳақорат қилиши акс этган видеолар тарқалиши одатий ҳолга ай-ланди. Бугун ёшлар орасида заифларга, отаси тенги ин-сонларга қўл кўтариш, кимнидир камситиб, бу жараёни видеога олиш "мода"га айланган. Хўш, бундай бераҳм, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган авлод қаердан пайдо бўлди?

Замонни айбашга шошилманг, унинг бунга дахли йўқ. Айбдорни топиш керак бўлса, аввало, ҳар биримиз ўз ёқамиздан олишимиз керак. Сабаби барчамиз бефарқ-

лик ботқоғига ботдик. Бир болага етти маҳалла у ёқда турсин, ўз ота-онаси ҳам эгалик қилмайпти. Яшириб нима қилдик, азалдан Фарбга ҳавасимиз баланд эди,

улардаги "эркин" ҳаёт тарзини се-кин-секин ўзлаштиришни бошла-дик. Мана, "мева"сини ҳам еялмиз. Албатта, яқин йилларгача ҳам "оммавий маданият" билан хўп курашдик. Фақат бу кураш амалда эмас, тилда бўлди. Телевидение-да безбетлик, беҳаёлик, "эркин-лик"ни тарғиб қилувчи телесе-риал ва кинофильмлар тинимсиз айланмоқда. Санъаткорларимиз Европага тақлид қилишда ёшлар-га "ўрناق" бўлмоқда. Оқибат биз

ҳам маданиятсизликка кўникиб, боряпмиз. Энди ўйлаб кўринг, бугун усто-зини ҳақорат қилаётган, кекса-ларга қўл кўтараётган авлоднинг фарзандлари ким бўлиб улғаяди? Уларга отаси устозининг ҳурмат қил, кўзига тик қарама, деў-ратармикан? Хулоса қилишга шо-шилайлик! Ёшларга "лайк" ўрнига савоб йиғишни ўргатайлик! Турди ТУРСУНОВ, меҳнат фахрийси.

Муסיқа тарихидан

Тарихий манбаларда миллий чолғуларнинг дастлабки авлоди яратилиши хусу-сида турли фикрлар баён қилинади. Яъни, биринчи бўлиб урма зарбли, кейинроқ торли чертма чолғулар истеъмолга киритилган дейилса, баъзи маълумотларда биринчи бўлиб арфасимон чолғулар пайдо бўлганлиги иддао қилинади. Биз-нингча, халқнинг турмуш тарзи, меҳнат жараёнидаги ритмик ҳаракатлар билан боғлиқ куй-қўшиқлар ва мавжуд қабилаларнинг ўзаро низолари вақтида уруш тамойилини акс эттирувчи овозлар тўфайли ноғорасимон чолғулар яратилган. Зарбли чолғулардан сўнг овчилар ва маҳаллий халқлар томонидан ёйсимон ов кўролига бир неча иллар тортилиб, чиройли овоз таратувчи чолғулар ясалган. Табиийки, бундай ёндашув ўз-ўзидан арфа чолғусини яратиш учун тамал тоши-ни қўйди. Ушбу сонинг мукамаллашуви натижасида кўп торли чанг ва қонун чолғуси истеъмолга кириб келди.

Чанг чолғуси Самарқандда яратилган

Абу Наср Форобий (873-950)нинг "Китоб ал-муסיқа ал-кабир" (Муסיқа ҳақида катта китоб) асарида ёзили-шича, "Жанг-жадалларда, рақслар-да, тўй-томшаларда, кўнгилочар базмларда ва ишк-муҳаббат қўшиқла-рини куйлашда чалинадиган ўзига хос чолғулар бор". Бундан хулоса қилиш мумкинки, интеграциялашган чолғу-ларнинг турлари шу даражада кўп бўлганки, овоз темирлари эътиборга олинди, улардан турли мақсаддаги маросимларда фойдаланилган. Аммо чолғуларнинг яратилиши ва уларнинг истеъмолга киритилиши хусусида тарихий манбаларда яқдил фикр-лар мавжуд эмас. Масалан, "Зийнат ал-мажолис" ("Зийнатларнинг мажли-си") антологиясида қамонли чолғулар турига мансуб бўлган ғижжак Форобий томонидан ихтиро қилингани баён қилинган бўлса, Дарवेश Али Чан-гий рисоласида бу соз Носир Хисрав билан Абу Али ибн Сино ҳамкорлигида яратилгани маълум қилинган. Хоразм вилояти ҳудудидаги Тупроқ қалъадан қамонли соз тасвирининг топилуши бу сонинг III-IV асрларда мавжуд бўлган-ини тасдиқлайди.

Шу каби чангнинг миллий чолғула-римиз қаторидан ўрин олиши бўйича ҳам кўпгина таҳминлар мавжуд. Фор-обийнинг ёзишича, "чанг самарқандлик Хулайс ибн Аҳвас томонидан ясалган ва бошқа ҳудудларга тарқалган". Баъ-зи манбаларда унинг XVI асрда Хито-дан кириб келганлиги ёзилади.

Кўп торли чолғулар тоифасига кир-увчи қонун чолғуси хусусидаги фикр-лар ҳам диққатга сазовор. Жумладан, Нажмиддин Кавкабийнинг "Қуллиётий" асари муқаддимасида номаълум му-аллиф томонидан ёзилган мисралар-да куйидаги фикрлар баён этилади: "Афлотун қадимий соз бўлган арфани ерга ётқизиб, ундан нусха кўчириб, қонун чолғусини кашф этди".

Худди шу сингари дутор, рубоб, афгон ёки бухоро рубоби, уд, танбур, ғижжак каби чолғуларимиз ҳам ёғочга сим, ипак иллар, пай ва жез тортиб, мунгли, ўйноқи, киши қалбини ром этувчи чолғуларнинг шаклланишига замин яратди. Мавлоно Зайнобиддин ал-Хусайнийнинг (XV аср) Алишер На-воийга бағишланган "Муסיқий илм ва амалиёт қонуни" рисоласида дуторнинг ўн бир пардадан иборатлиги ва кварта интервалга созланиши баён қилина-ди. Форобийнинг "Муסיқа ҳақида катта китоб" асарида Бағдод ва Хуросон тан-бурлари мавжуд бўлгани қайд этилади. У Бағдод танбури содда кўринишга эга бўлиб, 5 пардадан ва чолғу дастаси нисбатан каттароқ бўлгани, Хуросон танбури эса узунроқ дастага эгаллиги, лад тузилмасининг кенлиги билан ажралиб туришини таъкидлайди.

VII асрга келиб, Марказий Осиёга арабларнинг кириб келиши билан муסיқа чолғулари ижросининг чекла-нишига сабаб бўлди. Аммо кейинчалик ўзбек муסיқиси, қолаверса, чолғулари турк ва араб муסיқа чолғулари билан

бойиди. IX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Марказий Осиёни араб халифа-лигидан озод қилгач, Мовароуннаҳр ва Хуросонда маданият ва санъат юқори поғонага кўтарилди. Айнан шу даврда ҳозирги кунгача ташқи кўриниши ва ижрочилик имконияти бизга номаълум бўлган, ўз даврида истеъмолда кенг қўлланилган чолғулар - руд, шэман, кунгура каби муסיқа асбоблари кенг қўлланила бошланди. Бугун фақат най, сурнай, танбур, дутор, рубоб, кунгура каби миллий чолғулардан фойдаланяпмиз, холос.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос "шоҳ" чолғуси мавжуд эди. Масалан, ўз дав-рида Марказий Осиёда уд сози чолғу-чи ва хонанда Сафиуддин Урмавий (1216-1294) ўзининг "Тақводорлик китоби"да удга куйидагича таъриф беради: "Билгинки, чолғу асбоблари ичида уд деб аталувчиси энг машҳу-ри ва энг замонавийсидир". Форобий ҳам бу чолғунинг халқ ичида кенг тарқалгани ва "лютня" номи билан машҳур бўлганини баён қилади. Бу чолғунинг мохир ижрочилари - VII асрнинг иккинчи ярмидан сўнг Турон заминининг Марв вилоятида таваллуд топган бастакор ва созанда Барбод Марвазий ва Ноқулларнинг ҳар қандай инсонни мафтун этувчи юқори мала-кали ижрочилик маҳорати эътироф этилади. Ҳатто йиллар ўтиши билан уд

чолғусига "Барбод" номи ҳам берил-ди. Х асрга келиб, Барбод сози арабча "уд" номини олади. Ўз даврида Шарқ муסיқасининг назарий асослари уд созига боғлаб тушунтирилган.

Уд сози Марказий Осиёда XV аср-гача истеъмолда бўлган, деб тахмин қилинади. Кейинги даврларда ушбу чолғу асосан кавказ ва араб халқлари орасида машҳурлигини сақлаб қолди. Кейинчалик унинг ўрнини Хуросон танбури эгаллади. Аммо XX асрга кели-б, уд миллий чолғуларимиз сафидан яна мустаҳкам ўрин олди.

Ўзбек-тожик халқлари муסיқасининг мумтоз намунаси бўлган "Шашмақом" олти турли ладларга мослаб олинган ва уларга асосланган куй ва ашулалар йиғиндисидан иборат. "Шашмақом" қадимий маданият марказларидан бири бўлган Бухорода шаклланди ва тахминан XVIII асрнинг биринчи ярмида мустақил муסיқа жанри сифатида ўзил-кесил юза-га келди.

Кейинги даврларда санъаткорлар орасида танбур сози етакчи чолғу си-фатида қўлланила бошланди. Сабаби, мақом намуналарини куйлаш ва ижро этиш танбур созига мослиги билан ўзинланади. Чунки ҳар бир мақом ўзининг маълум созига эгаллиги билан ажралиб туради.

Равашан ҲАМРОҚУЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Нарзулла ТОШТЕМИРОВ, санъатшунослик фанлари номзоди.

ОТАМНИНГ ПАНДЛАРИ

Яхши одам ҳам йўқ бу оламда, болам, ёмон одам ҳам йўқ. На у ёқли, на буюқли одамлар эса, тўлиб-тошиб ётибди. Одамзод ана шу "не туде, не суде"нинг худди ўзгинаси.

Аёлни шундай интиқлик билан севгинки, у сенинг севганингни билмасин.

Муродим УМРЗОҚОВ.

Турмуш чорраҳаларида

ота-боболаримиздан мерос, ҳикматлар қай-моғини ўзида жамлаган китоблар энг ишончли ҳамроҳдир. Зеро, ақлни китоб билан чархлаб турмас эканмиз, у ўтмаслашиб боравергади, ўзимиз учун наф бермайди.

Улуғ олимларимиздан бири Мухаммад Аш-Шайбоний китоб ўқиш асносида мураккаб бир масалага ечим топганидан хурсанд бўлиб кетганида: "Бундай лаззатни подшоҳларнинг болалари ҳам туймаган", дер экан. Албатта, китоб ўқишнинг лаззатини уни ўзига доимо дўст билган кишилар яхшироқ ҳис қилади.

Азал-азалдан юртимизда илм кишилари у ёқда турсин, ҳунарманд, қосиб ёки деҳқоннинг уйда ҳам узун қиш кечаларида китобхонлик-лар бўлган, саводхон кишилар оила аъзоларига китоблар ўқиб берган. Афсуски, бугун жавонда чанг босган китоблар тафаккуримиз, маърифат-тимиз мўртлигидан дарак беряпти.

Сулаймон МАРДИЕВ.

Шифокор маслаҳати

Болаларни соғломлаштиришнинг ўз тартиби бор

Фарзандлар тақдири, соғлиғи, уларнинг келажаги ҳақида ғамхўрлик қи-лиш, камолини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Бунда албатта, табиий неъматлардан унумли фойдаланиш муҳим. Чунки тоза сув, ҳаво, қуёшнинг ультратянафша нурлари организмга яқин компонентлар бўлиб, инсон ҳаёти учун зарурдир.



ланнинг иштаҳаси ва уйқуси меъёрада. Боланинг саломатлигида яна бир муҳим жиҳат тўлиқ овқатланишдир. А, Б, С ва Д витаминла-ри, минерал тузлар, шунигиндек, оқсилга бой озиқ-овқатларни рационга киритиш лозим. Уни табиий маҳсулотлардан, қайта ишланмаган, қўшимчалар, зира-ворлар ва консер-вантларсиз тайёрлаш тавсия этилади. Болалар рациониди кўпроқ творог, греч-

Шу билан бирга, болага хотиржам, дўсто-на руҳий муҳит керак. Боланинг кўз олдидаги жанжал унда асаб тизимининг бузилишини кучайтиради, химоя имкониятларини сезилар-ли қамайтиради. Боланинг овқатланиш, фео-лият, дам олиш, жисмоний фаоллик ва бошқа эҳтиёжлари мавжуд ва уларнинг ўз тартиби бор. Бу тартиб болаларни тарбиялайди, фой-дали кўникмаларни шакллантиради. Биргина мунтазам сайр тананинг фаолият жараёнида суяйган функционал ресурсларини тиклайди ва ишчанликни оширади. Очқ ҳавода бўлиш организмни чиниктиради, сайрдан кейин бо-

қа ва жўхори бўлиши керак. Буларни бажариш давомида болаларда ўз организмни соғломлаштиришга бўлган қизиқишни шакллантириш лозим. Бола ин-сон танасининг тузилиши ҳақида қанчалик эрта тасаввурга эга бўлса, чиникмиш, тўғри овқатланиш, вақтида ухлашнинг аҳамияти ҳақида билса, соғлом турмуш тарзига шун-чалик тез кириб боради.

Д.РАББИМОВА, Самарқанд давлат тиббиёт университети кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, доцент.

MATBUOT UYI Zarafshon Самарқандский Вестник

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 102 nusxada chop etildi. Buyurtma 406. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2 Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61 MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: Y.MARQAYEV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X 9 1772010667009 Sotuvda narxi kelishilgan holda